

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24- августдаги ПК-4426- сонли қарорига асосан «ГАЛЛА - АЛТЕГ» акциядорлик жамиятининг 2024 йил ярим йиллик учун Давлат харидлари буйича ташки аудит ҳисоботи.**

**Тошкент шаҳри.**

**25 - Июль 2024 йил**

**1. КИРИШ ҚИСМ.**

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

|   |  |
|---|--|
| Аудиторлик ташкилоти номи:                      | « MXXS BUSSINES GARANT A UDIT» МЧЖ   |
| Адрес:  | 100059 Тошкент ш, Янги- Сергели кўчаси Сергели -8 10 уй  |
| Телефон:  | (+99897) 719 00 57   |
| Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот: | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Гувоҳнома №1157897 сана 30.06.2022 йил   |
| Фаолият суғуртаси:                              | Аудиторлик ташкилотларининг профессионал фаолияти суғурта полиси № № АF-13-4-0011 берилган вақти 08.02.2024 йил «EUROASIA INSURANCE» АЖ КК                   |
| Банк реквизитлари:                              | Х/р: № 20208000805551606001 АИТБ «Ипак Йули банки» Янгийул филиали МФО: 01081 СТИР: 309 691 740, ХХТУТ: (ОКЭД) 69202.  |
| Жамият раҳбари:                                 | УЗАКОВ АХМАТ УЗАКОВИЧ<br>Аудитор малака сертификати 05492 -сонли 09.06.2017 йилда берилган ва 2022 йилда унинг амал қилиш муддати 2032 йилгача узайтирилган. |
| Аудитор   | УЗАКОВ А.У. 05492 – сонли аудитор малака сертификати 09.06.2017 йилда берилган ва 2022 йилда унинг амал қилиш муддати 2032 йилгача узайтирилган              |
| Аудиторлик текширувига асос:                    | Шартнома № 20/А 21.05. 2024 йил  |
| Шартнома мазмуни:                               | 2024 йил 1 январдан 31 - декабрь ҳолати буйича Давлат харидлари буйича аудиторлик текшируви ўтказилиб, ҳулоса тақдим этиш.                                   |
| Ҳисобот тақдим қилиш муддати:                   | 2024 йил 25– Июль  |

### **1.1 ЖАМИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**Юридик манзили:** Тошкент вилояти Юкори Чирчик тумани Бардонкул кургони ХВАН МФЙ

**Жамият молиявий ва ситатистик ҳисоботлари қуйидаги реквизитлар асосида расмийлаштирилади.**

ХХТУТ (ОКОНХ) – 19211; коди асосида фаолият кўрсатади. СТИР (ИНН)-**200 547 594**, КТУТ (ОКПО)- 00959731, ОКЭД -10610

Корхона банк счетлари:

ОАТБ “АГРОБАНК” Тошкент вилояти ҳудудий филиалида қуйидаги ҳисоб рақамдан фойдаланган; Банк коди: 00475

-аосий ҳисоб рақами 2021 0000 9002 3246 1001

## **2. АНАЛИТИК КИСМ.**

### **1.1. Импорт харидлари, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш.**

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ташки аудит текширувидан утказиш жараенида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24-августдаги ПК-4426- сонли қарорига асосан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш чоратadbирларининг натижадорлигини ва жамиятда мавжуд импорт харидлари, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолатлари таҳлил этилди.

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботлари ва жорий ҳисоботлар тулик аудит таҳлилдан утказилди. Аудиторлик текшируви давомида корхонанинг банк кучирмалари, реализация ҳужжатлари, дебитор ва кредитор қарздорликлар руйхати, айланма қолдиқ ведомостлари, валюта маблағлари счёти (5200) ва шунга таълуқли бошқа ҳужжатлар текширувдан утказилди. Текширув давомида шу нарса аниқландики, “ГАЛЛА-АЛТЕГ” АЖ нинг 2024 йил ярим йилликда ишлаб чиқариш фаолиятида чет эл валюта операциялари мавжуд эмас.. Ушбу текширув давомида аниқландики, жамият бошқа давлатларга шартнома асосида маҳсулотлар экспортини амалга оширмаган ва бошқа давлатларга валюта ҳисобида маблағ ҳам чиқарилмаган.

### **1.2. Кооперация доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харидларни амалга оширишнинг аудит таҳлили.**

Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24- августдаги ПК-4426- сонли қарорига асосан, “саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига илмий изланиш натижаларини ва замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали маҳаллий хом-ашё ҳамда саноат кооперацияси негизида таёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларни жадаллаштириш энг муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган”.

Президент қарорининг ушбу банди “ Галла - Алтег “ АЖ буйича 2024 йил 1-июль ҳолатига қандай бажарилганлиги аудит текшируви давомида урганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди.

Аудиторлик текшируви давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган барча турдаги моддий товар бойликларнинг қирим қилиниши, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари асосида тулик таҳлил этилди. Аудит таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, 2024 йил 1- июль ҳолатига жамият раҳбарияти мамлакат ички ишлаб чиқарувчилардан 971 014 ,0 минг сумлик товар моддий бойликлар сотиб олган. Шундан, 728 044 минг сумлик ТМЗ лар биржа савдолари орқали сотиб олинган. Қолган 242 971 минг сумлик ТМЗ лар туғридан- туғри шартномалар асосида мол етказиб берувчилардан сотиб олинган.

Бу ҳолатни қуйидаги жаadwalда қуриш мумкин.

|                                      |                         |
|--------------------------------------|-------------------------|
| 1. Биржа савдолари орқали            | 728 044 минг сум        |
| 2. Туғридан- туғри шартномалар жами: | 242 971 минг сум        |
| Ш.ж. Витаминлар                      | 113 399 минг сум        |
| Ўқилги мойлаш материаллари           | 129 573 минг сум        |
| <b>ЖАМИ</b>                          | <b>971 014 минг сум</b> |

“Давлат Харидлари” тугрисидаги Узбекистон Республикаси Конунининг 9-боб, 71- моддасида Тугридан- тугри шартномалар буйича давлат харидлари ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган, ягона етказиб берувчилар билан давлат харидларини амалга оширишга рухсат этилган. Давлат бюртмачилари тугридан – тугри шартномалар тузилганлиги тугрисидаги маълумотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан 3 иш кунида махсус ахборот парталига жойлаштирилиши шарт.

Ушбу жадвалда келтирилган витаминларни етказиб берувчи корхона ҳам, ёнилги мойлаш материалларини етказиб берувчи корхона ҳам ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган. Шунинг учун корхона рахбарияти ушбу етказиб берувчилар билан тугридан тугри шартномалар тузган, ва тузилган шартномалар махсус ахборот парталига жойлаштирилган. Корхона рахбариятининг тугридан тугри шартномалар тузиш тугрисидаги бундай харакати Давлат Харидлари” тугрисидаги Узбекистон Республикаси Конуни талабларига тулик мос келади деб бахоланади.

Ушбу Конунда курсатилмаган бошка холатлар буйича тугридан – тугри шартномалар тузиш мумкин эмас.

Юкорида келтирилган ушбу маълумотлардан куришиб турибдики, тугридан-тугри тузилган 242 971 минг сумлик шартномалар “Давлат Харидлари” тугрисидаги Конун талабларига тулик мос булганлиги учун шаффофлик 100% га таъминланган деб хисобланади.

### ЯКУНИЙ ХУЛОСА.

Аудиторлик текшируви давомида аникландики, корхонада ташки харидлар амалга оширилмаган, экспорт ва импорт операциялари мавжуд эмас ва кооперация доирасида махаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган давлат харидлари буйича шаффофлик 100% таъминланган.

**“MXXS-BUSSINES GARANT A UDIT”**

Аудиторлик ташкилоти рахбари:-



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

**А. УЗАКОВ**

**А. УЗАКОВ**